



**ИШТИХОН ХУДУДИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ВА ТАРИХИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАСИДА ЎРГАНИЛГАН ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАР.**

Гулида Норкулова Содиковна

Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика

Университети мустақил тадқиқотчи

gulidanorqulova59@gmail.com

Аннотация: *Илк Ўрта асрларга келиб Марказий Осиёнинг барча минтақаларида бўлгани каби Сугдда ҳам шаҳарсозлик тараққий этиб, мазкур шаҳарлар маъмурий бошқарув марказлари сифатида ўзини намоян этди. Уларнинг асосий қисми Сугд конфедерацияси таркибида шаклланди. Худди шундай шаҳарлардан бири Марказий Сугдга гарбдан тутаиш бўлган Миёнқол воҳасида жойлашган хитой манбаларида Сидихен ва Цао номи остида келтирилган Иштихон эди. Бу ерда олиб борилган археологик изланишлар натижасида қадимий зардуштийлик эътиқоди ҳақида билиб оламиз.*

Калит сўзлар: *Миёнқол, Иштихон, Цао, Сўгд, Самарқанд тарихи, зардуштийлик, Кабудон, Оқтепа, оссуарийлар, Қанг давлати, Биянайман, коҳин, “хаома” ичимлиги.*

Аннотация: *К раннему Средневековью, как и во всех регионах Центральной Азии, в Согде также развивалось градостроительство, и эти города проявляли себя в качестве административных центров управления. Основная их часть сформировалась в составе Согдийской конфедерации. Одним из таких городов был Иштихон, расположенный в Миянкольской оазисе, примыкающем к Центральному Согду с запада, который в китайских источниках упоминается под названиями Сидихэн и Цао. В результате проведённых здесь археологических исследований мы получаем сведения о древней зороастрийской вере.*

Ключевые слова: *Миянколь, Иштихон, Цао, Согд, история Самарканда, зороастризм, Кабудон, Октена, оссуарии, государство Канга, Биянайман, жрец, напиток «хаома».*

Annotation: *By the Early Middle Ages, as in all regions of Central Asia, urban development in Sogd also progressed, and these cities emerged as administrative centers of governance. Most of them were formed within the framework of the Sogdian confederation. One such city was Ishtikhon, located in the Miyonkol oasis adjoining Central Sogd from the west, mentioned in Chinese sources under the names Sidikhen and Cao. Archaeological research conducted here provides insights into the ancient Zoroastrian faith.*

Keyword: *Miyonkol, Ishtikhon, Cao, Sogd, history of Samarkand, Zoroastrianism, Kabudon, Oqtepa, ossuaries, Kang state, Biyanayman, priest, “haoma” drink*

Сугд конфедерациясида унча йирик бўлмаган лекин ўз хусусиятларига кўра муҳим ўрин эгаллаган конфедерациянинг марказида жойлашган ҳукмдорлик Иштихон



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



бўлиб, у ҳозирги Иштихон тумани ҳудудига тўғри келади. Ҳукмдорликнинг шимолий қисми адир ва қирлардан иборат бўлиб, улар ҳукмдорлик учун табиий чегара вазифасини ўтаган. Ушбу тепаликлар ва қирларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларидан маълум бўладики, бу ҳудудда кўплаб қалъалар в истехкомлар бўлган. (Адылов Ш. Т. Мирзаахмедов Ж.К. ИМКУ. –Вып. 27. 1996. – С.128-149.)

Иштихон Суғд конфедерациясининг илк ўрта асрлар даврида тараққий этган бошқарув марказларидан бири ҳисобланган. “Бухоро тарихи”, “Самарқанд тарихи”, “Нахшаб тарихи”, “Кармана тарихи” каби тадқиқотлар яратилган бўлсада, бевосита Суғд мулкдорларининг бир муддат қароргоҳи бўлган Иштихон ва мазкур ҳукмдорликнинг илк ўрта асрлар даврида Миёнқол воҳаси ва Суғд конфедерацияси таркибидаги сиёсий мақоми ҳамда ўрнига бағишланган тадқиқотларнинг жуда кам эканлиги кўзга ташланади. Кеш, Панч каби шаҳарлар Суғднинг илк ўрта асрлардаги марказлик мақоми учун кураш олиб борган шаҳарлардан бўлганлиги маълум. Иштихон эса конфедерациянинг маркази бўлмаса-да, ҳукмдорнинг ёзлик қароргоҳи бўлганлиги ва Суғд тарихи билан боғлиқ муҳим тарихий жараёнларнинг айнан Иштихонда содир бўлганлиги нафақат илмий адабиётлар балки илк ўрта аср ёзма манбалари ҳамда археологик тадқиқотлар натижасида ўз исботини топган. (Ғойибов Б. 2020. –Б.111)

Манбаларда Иштихонда Самарқанд ҳукмдорларининг иккинчи қароргоҳи жойлашганлиги қайд этилади. Самарқанд ҳукмдорлари конфедерация марказига яқин ва стратегик қулай бўлган жойларда ўз қароргоҳларини бунёд этганлар.

Иштихон хусусида илк ёзма манбалардан ҳисобланган хитой йилномаларида бу ҳудуд Цао деб келтирилади. Йилномада келтирилган Цао сўзи “сув” белгиси қўйилмасдан ёзилган бўлса, унда бу сўз “сувсизлик”, “чўл” маъносини ифодалайди. Худди шундай Ғарбий Цао ҳам сув белгиси қўйилмасдан ёзилган. Бу эса Цао ҳукмдорлигининг катта қисми чўл бўлганлигидан дарак беради. Бу жойлар ҳозирги Қарнаб чўли шарқий қисмидаги ҳудудлар бўлиши мумкин. (Ғойибов. Б. 2020. –Б. 113.)

“Тан шу” йилномасига кўра, Суғдда мавжуд бўлган Цао (сувсиз чўл) уч қисмдан иборат: Ғарбий Цао – Самарқанд яқинидаги цао (Иштихон), Марказий цао – Ғарбий Цаодан шарқда (Кабудан / тахминан ҳозирги Оқдарё тумани?), Шарқий Цао– Мирзачўлнинг шарқий қисми (Уструшона). (Бичурин Н.Я. II. –С. 312-313 яна қаранг: Ғойибов Б. Қўшбақов Ҳ. –Б.161.)

Иштихон ва Кабудон мулкдорлари Самарқандда ўтказиладиган барча тадбирларда, жумладан, аждодлар руҳига бағишланган қурбонлик маросимларида иштирок этганлар (Бичурин Н.Я. II. –С. 281.).

1962 йилда Г.А.Пугаченкова бошчилигидаги экспедиция Иштихонни ўрганишни бошлайди. Қадимги Иштихон Қанғ давлат бирлашмасига кирган бўлиб, араб манбаларидаги зид жойлашувга эга эканлигини аниқлашади. Яъни араб манбаларига



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



таяниб Бартолд (Бартолд В.В. СПб 1914 г. –С.117) Иштихон Самарқандан 7 фарсах (42 кмга яқин) узоқликда жойлашган деб ёзади. Аслида эса археологик изланишлар жараёнида унинг Самарқандан 72 км узоқликда жойлашганлигини кўрсатди (Пугаченкова Г.А. 1975. №3. –С. 33).

XX асрнинг 60 йилларида Г.А.Пугаченкова Миёнқол оролида илк ўрта асрларга оид Исабойтепа, Оқтепа, Чашматепа, Ёвтепа кўплаб қишлоқ маконларини ўрганеди. Бу илк ўрта асрлар қишлоқ маконларини олима VI – VIII асрлар билан даврлаштиради (Раҳмонов Ҳ.Ў. 2016 №2 (13) –Б. 62).

Иштихон илк ўрта асрларда Самарқанднинг асосий шаҳарларидан бири бўлиб, Бухорога олиб борадиган савдо йўли устида жойлашганлиги сабабли маданий қатлам яхши ривожланган. Диний урф одатлар Самарқанд суғдидан деярли фарқ қилмаган (Б. Тургунов. 1963. №11. –С.54-55). Бу маълумотларни тарихшунос Б. Ғойибов (Ғойибов Б. –Б.109-110) ҳам тасдиқлайди.

Ёзма манбаларда Иштихон атрофида Соғарж, Фаранкад (Офаринкент), Размос, Бинкат, Хайдаштар, Растағфир, Зор, Шова, Ғовражк ва Зовар каби ўндан ортиқ аҳоли масканлар номлари тилга олинади. Ҳар бир қишлоқ ёки аҳоли пунктнинг ўзига хос ўрни ва хусусияти бўлган (Ғойибов Б. –Б.113).

Самарқанд вилоятининг Иштихон тумани Миёнқол воҳасининг ўрта қисмида жойлашган бўлиб, бу ерда археологик тадқиқотлар 1960 йилларда бошланиб 1979 йилгача Г.А.Пугаченкова, В.А.Карасев, ва С.А.Савчуқлар томонидан олиб борилган. Изланишлар натижасида Иштихонда 85та археологик объект аниқланган бўлсада ҳаммасини ўрганилмаган. Бунинг сабаби биринчидан аҳоли томонидан ҳудудлар ўзлаштирилиши натижасида бу ерларнинг бир қисми экинзорларга айлантирилганлиги бўлса, иккинчидан қадимдан икки дарё оралиғида жойлашган ҳудудни сув тошқинлари бўлиши натижасида чакалақзорлар пайдо бўлиши оқибатида бу ҳудудларни тўлиқ ўрганиш имконияти бўлмаган.

Г.А.Пугаченкова 1970 йил баҳорида Иштихон Арктепага келганлигини сабаби бу ердан топилган бир нечта нақшинкор оссуарий парчаси эди. Изланишлар олиб борган олима афсуски бу ер булдозир билан текислаб сабзавот даласига айлантирилганлиги ҳақида ёзади. Лекин топилган оссуарий парчалари маҳаллий мактабда эканлигини аниқлай олган. Бу ердан топилган оссуарийлар V-VI асрларга тегишли бўлиб деярли деҳқончилик натижасида бузиб ташланган эди (Пугаченкова Г.А.1975.№3 –С. 34) . Оссуарий қизғиш сариқ рангдаги яхши пиширилган лойдан қилинган. Олд томонда қизил ранг излари бор. Оссуарийнинг баландлиги 27 смни ташкил этади, қолдиқларига қараганда, у тўртбурчак шаклда бўлиб, олд девори безакли, улардан фақат учтаси сақланиб қолган. Деворнинг тепасида қиррали парапет остида ўйма безаклар билан безатилган. Ички қисмда қопқоқ учун жой бор.

Оссуарий деворларида эркак ва аёл бўртма равишда тасвирланган бўлиб, эркакнинг узун жингалак мўйлови кўкрагига учбурчак шаклда тушган, Бошида горизонтал асосли мураккаб бош кийим, ўртада релйефли мева (куртак? гул?) билан қопланган



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



таёкча бор. Улардан бирига ташқи контур бўйлаб учбурчак барглари бўлган камар чап елкадан эгри чизикқа чўзилади; ички соҳада иккита ромсимон ўсимталар мавжуд. Ўнг қўли билан эркак қиличга таянган – у тўғри кенг катта кесишган қисмга эга. Иккала томонида олтига доира жойлашган, қўл остида эса икки ноаниқ буюм бўлиб, шар шаклида чизилган. Эркак чап қўли тирсаги билан таёкни ушлаб турибти. Унинг устида кенг қоплама бўлиб, олов ёниб турганлиги тасвирланган. Марказида ярим ой ва шар тасвири бўлиб, қўли бўйлаб лента ўралган ва бошқа баъзи бузилган деталларнинг излари кўринади..

Оссуарийнинг иккита кичик қисмида юқорида тасвирланган устунлар сақланиб қолган. Устунлар оралиғидаги бўш жойларда эса узун кийимлар кийган икки аёл фигуранинг деталлари мавжуд. Устун ва кийимларнинг тўқилган жойлар орасидаги бўш жойларда – новдада уч баргли пояда етти баргли катта гул ёки учта ўхшаш учбурчак нақшлар мавжуд (Пугаченкова Г.А. 1975.№3 –С.36).

Иштихон оссуарийсининг даврийлиги ва ўхшашлиги жихатидан VI – VII асрлардаги Каттакўрғон яқинидан топиб Б.Н.Касталский томонидан ўрганилган Бия – Найман оссуарийлари билан бирига ўхшашлиги бор (Пугаченкова Г.А. 1975.№3 – С.36).

Каттакўрғон туманининг Биянайман қишлоғи Қорадарё бўйида жойлашган бўлиб, дарё ва қишлоқ ораси тўқайзор ва ботқоқлик эди. Б.Н.Касталский шу ердан оссуарий топиб ўрганади (Массон М.Е. 1973. –Б.9). Бу оссуарийни Вяткин билан биргаликда ўрганар экан мусулмончиликкача бўлган даврда фойдаланилган оссуарийни зароастрийлар динига сифинувчиларнинг тобути бўлиши керак деган фикрга келадилар (Массон М.Е. 1973. –Б.11). Биянайман қишлоқ четида олиб борилган казишма ишлар натижасида Оссуарий деворларининг олд томонига одамлар ва нақшлар тасвири туширилган 700 парча топилди. Тасвирсиз сополлар отиб юборилди. Маълум бўлишича оссуарийлар дастлаб қўйилган жойда эмас, уларнинг майдаланган бўлаклари ҳозирги жойга келиб қолган. Бу парчалар бир-бирига мос тушмас эди. Улар турли-туман тобутларнинг бўлаклари бўлиши керак, деб тахмин қилинди. Бу тобутларни тўртга бўлишди. Одамлар ва нақш тасвирлари юмшоқ гилга чақич босгандай туширилган эди (Массон М.Е. 1973. –Б.11).

Айниқса иккита эркак кишининг тасвири қизиқ эди. Улар ё қиличга, ёки ҳассага ўхшаш нарсага суяниб туришарди. Яна бошқа икки аёл эса муқаддас буюмларни кўтариб кетишаётгандек. Бу кишиларнинг тасвири равоқлар тагига туширилган эди. Оссуарийларнинг ёни ва тепасига кунгирадор нақш туширилган. Б.Н.Касталский шундай хулосага келди: “Бу тобутларнинг бўйи узун бўлиб, ярим метрга борган. Баландлиги эса кам деганда 30 сантиметр бўлган” (Массон М.Е. 1973. –Б.13).

Биянайман оссуарийлари ҳақида Вяткин ва Касталский бир тўхтамга келишга қийналишади. Уларни чалғитган яна бир ҳолат бу оссуарийларга туширилган тасвирларни “ўқишга” имконлари бўлмади шунингдек қай даврда тайёрланганлигини ҳам аниқ айта олишмайди. Уларнинг ёнидан номаълум мис тангалар чиқади.





TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



Танганинг бир томонида “у” ҳарфига ўхшаган белги қўйилган эди. Унинг атрофида эса чалкаш ёзилган ҳарфлар учради (Массон М.Е. 1973. –Б.11).

Албатта, арklar остидаги фигуралар Иштихон оссуарийсида катта қизиқиш уйғотади. Биянайман релйефларидаги фигураларнинг маъноси ҳақида турли фаразлар билдирилган бўлиб, уларнинг моҳияти турлича изоҳланади. Б.Н. Касталский тасвирларни зардуштийлик маросимлари билан, А. Д. Калмиков эса уларни зардуштийлик маросимига кўра амалга оширилган дафн маросимида ҳозир бўлган одамлар деган фаразни берди. А.А.Попатов булар дафн маросимининг тўртта иштирокчиси деб айтган бўлса А. Я.Борисов бу ердаги тўртта фигурани зардуштийликнинг тўрт унсури бўлган сув, олов, ҳаво, тупроқ билан алоқадорлиги ҳақида фикр беради. Г.А.Пугаченкова эса бу оссуарийдаги белгиларни бирлаштирганда уларнинг сони тўққизтага етгани ва зардуштийлик динига алоқаси йўқлигини балки ўлиш ва қайта тирилиш табиатига сиғинишнинг ўзига хос маросими билан боғлиқлигини эҳтимол Сиёвушнинг биринчи тарихий меросхўрлари қолдиқларини дафн этиш сирлари билан боғлиқлигини ёзади (Пугаченкова Г.А. 1975.№3 –С.38).

Шуниси эътиборга лойиқки, Миёнқол оссуарийларидаги релйеф нақшлари Самарқанддаги оссуарийларнинг дизайни мотивларидан тубдан фарқ қилади, уларнинг улкан коллексиясида бундай композитсиялар ёки персонажлар мавжуд эмас. Бу эса Суғд маданиятининг Иштихон ва Кушонияда фарқли жиҳатлари мавжудлигини кўрсатиб беради.

Миёнқол оссуарийларида маҳаллий култ билан боғлиқ бўлган тантанали маросимларнинг қаҳрамонлари тасвирланган. Ҳар қандай диний маросимларида атрибутлар ва диний буюмларнинг тўплами, шунингдек кийим деталлари ҳар доим аниқ тартибга солинган бўлиб, улар худолар, руҳонийлар синфи ёки функциясининг белгилари бўлган. Кушон пантеонига мурожаат қиламиз, у тангаларда акс этган. Бу ерда олов элементига турлича боғлиқ бўлган бир нечта худолар тасвирланган. Уларнинг кийимлари, атрибутлари ва олов тасвирлари фарқ қилади: биринчисида—олов тилкалари элкадан чиқиб туради, иккинчисида—чўзилган қўлда бўлган қопламада, учинчисида—эса нурли ҳалқа бош атрофини ўраб туради (Пугаченкова Г.А. 1975.№3 –С.40).

Умумий тасвирларга қараганда, бу хизматни ўлиш ва тирилиш шунингдек табиатга сиғиниш билан боғлаш мумкин бўлади. Бу эса ўз навбатида, аждодларга сиғиниш билан чамбарчас боғлиқ. Шундай қилиб, бу мотам маросими кўп кунлик бўлиб, ҳукмдор қароргоҳида ўтказилган. Иштихон ва Кушонияда ўзининг ички моҳиятига кўра, яқин бўлган ўзига хос хусусияти ҳамда урф-одатлари ва маълум бир таркибга эга бўлган вазирлар-эркаклар ва аёлларнинг маҳсус либосда қўлларида тегишли сифатлар билан намоён бўлганлиги аниқ. Улар Миёнқол оссуарийларида тасвирланган (Пугаченкова Г.А. 1975.№3 –С.41).



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



Лойиш яқинидаги Муллақўрғондан топилган сопол оссуарийлардаги тасвирлар ҳам ўзига хос. Улар юзларини ярим яшириб олганлар, токи нафаслари билан тобутни булғаб қўямасинлар. Оссуарий қопқоғида тасвирланган қоҳинлар ҳам маросимда аҳамият касб этган. Ҳар иккови ҳам қўлида тахминан “хаома” ичимлигини ушлаб олган. Иштихон, Биянайман, Дўрмонтепадан топилган тобутларда катта кўчма меҳроб кўтарган ёш йигитлар тасвирланган. Меҳробда олов ёниб турибти, уни эҳромдаги муқаддас машъаладан ёқишган бўлиши керак. Бу фарвардажон байрами кунларида марҳумларни эслаш тадбирида ижро этиладиган расм-русумлар учун кўтариб олиб келинган бўлса керак (Пугаченкова Г.А. 1989. –С.185).

Бу култ қадимги йилномаларда қайд этилган Фарбий Цао – Иштихон минтақасининг асосий култи билан боғлиқ бўлганини тан оламиз. Бичурин шундай ёзади: “Миёнқолни Самарқанд суғдидан кейинги ҳудуд бўлганлигини бу ер аҳолиси Деси руҳига эътиқод қилиб, У 15 фут ҳажмдаги мутаносиб баландликдаги олтин бут шаклида тасвирланишини ёзади. Унга ҳар куни беш туя, ўнта от ва юзтадан кўчқор сўйилган. Қурбонлик қилувчилар сони баъзан бир неча мингтага етиб, ҳамма нарсани ейиш мумкин бўлмаган” (Пугаченкова Г.А. 1975.№3 –С.41). Бошқа бир йилномада Деси ибодатхонаси асосий Сидихан (Иштихон) шаҳрининг шимолий – шарқида, Юди шаҳрини четлаб ўтган ҳолда жойлашганлигини кўрсатиб, бу далилни тўлдирди. Манбаларга кўра, милоднинг биринчи асрида ҳам Иштихон ибодатхонасига қимматбаҳо совғалар, жумладан, тилла идишлар олиб кирилган.

Кумушкенттепада олиб борилган ишлар Самарқанд Суғдининг умумий стратегик аҳамият касб этиб, бу ер аҳолисининг қадимги диний эътиқоди ҳамда турмуш тарзи ҳақида қимматбаҳо материаллар бор эди. Кумушкенттепанинг даврийлиги милоддан аввалги I асрлардан милодий илк ўрта асрларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Г.А. Пугаченкова шундай ёзади “Абу Райҳон Берунийнинг бир гапи билан боғлиқ ҳолда қизик бир тахмин пайдо бўлади. Суғдийларнинг айниқса эъзозланган қадимий байрамларини таърифлаб, у ойна “Маж-х-ида” деб атайди. Бу ойнанинг учинчи куни Кишмин байрами бўлиб, Қамажикет қишлоғида бозор бўлади”. Исмнинг ўхшашлиги кейинроқ минг йилдан ортиқ мавжуд бўлган қадимий Кумишкенттепа–Кумушкентга айлантирилган. Шунингдек олима “Суғуди калон вилояти” номи билан ҳам аталганлиги ҳақида ёзади (Пугаченкова Г.А. 1989 –С.65)

Каспий денгизининг шарқида жойлашган барча мулкларда Деси руҳига сиғинишига қараганда Иштихон ибодатхонаси қайсидир маънода Авесто дини пантеони билан боғлаш мумкин бўлади. Иштихон ҳудудида бу худоларга эҳтиром кўрсатиш қадим замонлардан бошланиб то ислом дини кириб келгунга қадар давом этган. Ибодатхонанинг шимолий шарқида яъни тоғ олди зонасида жойлашганлиги ва чорвадорлар томонидан ҳар куни от, туя, кўчқор каби ҳайвонларни қурбонлик қилиши маҳаллий чорвадорлар томонидан уни юксак ҳурмат қилишидан далолат беради. Миёнқол воҳаси шаҳар аҳолиси ва дехқонларнинг диний мафқурасида унинг роли кам бўлмаган.





TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



Г.А.Пугаченкова Миёнқолда олиб борган археологик қазилма ишлар натижасида диний жиҳатидан Эрон зардуштийлик дини билан маҳаллий зардуштийлик динининг бир биридан фарқи борлиги ҳақида ёзади. (Пугаченкова Г.А. 1989 –С.182)

Оссуарийлар маҳаллий маздаизм култи билан боғлиқ бўлиб, зардуштийлик этикодига кўра харом ҳисобланган мурданинг гўшти йирткич қушлар ёки итлар томонидан тозалангандан сўнг марҳумнинг суяқларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган. Ташқи кўринишига кўра, бу тўртбурчаклар, ёки тасвирлар шаклидаги теракота тобутлари, ён томонидаги ўлчами 40-60 см, деворлари 2 см қалин бўлиб, кўпинча қопқоқлар билан жиҳозланган. Оссуарийлар лойдан ясаиб атрофига безаклар билан ишлов берилган. Баъзан релйеф элементлари махсус матрицаларда тайёрланиб, сўнгра хом кўринишида деворига ёпиштирилган (Пугаченкова Г.А. 1950. –С.10). Оссуарийлар одатда оддий қўл меҳнати асосида безаксиз ёки безакли бўлган. Ганжли оссуарийлар Иштихон ҳудудидан топилган.

Иштихон тумани ҳудудига қарашли Орлот яқинидаги Кўрғонтепа шаҳарчаси ёдгорлигида ана шундай йирик, мустаҳкам шаҳар-қалъа қад кўтарган, атрофи девор билан ўралган, унинг ёнида қабристон топиб ўрганилган (Пугаченкова Г.А. 1989. – С.67-122).

Миёнқолни тадқиқ этиш натижалари шуни кўрсатадики бу ерда асосий қадимги дин маҳаллий хусусиятларга эга бўлган Зардуштийлик дини. Лойиш яқинидаги Муллоқўрғон оссуарийсидаги тасвир айниқса таъсирли бўлиб, унда муқаддас оловни кўтарган икки руҳоний хизматкор ҳамда баланд қурбонгоҳ тасвирланган. Оловни нафаси билан ифлослантирмаслик учун юзлари мато билан қопланган. Ушбу оссуарийнинг қопқоғида тасвирланган руҳонийлар, иккала қўлларида муқаддас ичимликлар (ҳаома?) ҳам бу маросимга алоқаси бор эди. Миёнқол оссуарийлари катта қурбонгоҳ бўлган ва йигитнинг қиёфаси билан ажралиб туради, унда олов ёнади, афтидан мабуддаги муқаддас оловдан яратилган. Ёш руҳоний ўликларни хотирлаш фестивали билан боғлиқ маросимни бажариш учун олиб кетилган.

Миёнқолда мил авв. II асрда қанғли қабилалари кириб келгандан сўнг ер остига дафн қилиш анъанаси шаклланган. Эркакларни қурол яроғлар билан, аёлларни эса уй рўзғор буюмлари, тақинчоқлари билан дафн этишган. Лекин асосий дин оловга сиғиниш оташпарастлик бўлиб қолаверган. Шунингдек Миёнқолнинг тоғ олди зоналарида Булоқбоши қишлоқларида яшаган ўтроқ чорвадорлар орасида ўтга сиғиниш, хўжалик фаровонлигининг сифатида уй ҳайвонларига сиғиниш муҳим ўрин тутган. Катта сопол ўчоқ стендлари каبوب тутқичлари мавжудлиги, учларида эчки, буқа бошлари ёки аёл ва қўйнинг тасвирларини ўзида мужассам этган махсус юз билан ўралганлиги ҳурматга сазовор бўлган Булоқбоши халқи томонидан танилган маъбуда ёки тўда кўриқчиси бўлганлигидан далолат беради.

Миёнқол оссуарийлари жасад қолдиқларини сақлаш бўйича Авесто кўрсатмаларига риоя қилишнинг ёрқин далили бўлиб хизмат қилган. Суғд, Хоразм, Чоч, Еттисувда оссуарий дафн этиш усули гўёки марҳумнинг руҳ зарраларини олиб юривчи суяк



қолдиқларини сақлаш ҳақидаги Авесто кўрсатмаларига маълум даражада жавоб беради.

Адабиётлар рўйхати

1. Адылов Ш. Т. Мирзаахмедов Ж.К. Новые материалы к изучению рустака Файй // ИМКУ. – Вып. 27. Самарканд, 1996. – С.128-149.
2. Ғойилов Б. Суғд тарихидан лавҳалар. – Самарканд: СамДУ, 2020. – Б.111
3. Бичурин Н.Я. Собрание сведений. II. – С. 312-313
4. Бартолд В.В. К истории орошения Туркестана – СПб, 1914. – С.117
5. Ғойилов Б. Қўшбақов Ҳ. Миёнкол воҳаси- Иштихоннинг Суғд конфедерациясининг ўрни ва ҳукмдорлик хусусиятлари // Марказий Осиё тарихи ва Археологияси муоммолари. 2-қисм. – Самарканд, 2018 – Б.161.
6. Пугаченкова Г.А. Иштиханский оссуарийный памятник согдийского искусства // Общественные науки в Узбекистане. 1975. №3. – С. 33
7. Раҳмонов Ҳ.Ў. Илк ўрта аср суғд қишлоқ маконларининг ўрганилиш тарихига доир. // Ўзбекистон археологияси. 2016 №2 (13) – Б. 62
8. Б. Тургунов. О метоположении средневекового города Иштихан // ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1963. №11. – С.54-55
9. Массон М.Е. Самарканд осори атиқаларига оид уч воқеа. – Тошкент, 1973. – Б.9
10. Пугаченкова Г.А. Древности Мианкаля. – Ташкент: Фан, 1989. – С.185
11. Пугаченкова Г.А. Элементы Согдийской Архитектуры на среднеазиатских терракотах. Труды института истории и археологии. Том II. – Ташкент, 1950. – С.10